*Insonga naf keltirish — oliy baxt*



# Ishonch

Самарқанд деганда, ўзининг мусаффо осмони, ёқутдек ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси, унумдор тупроғи, мовий гумбазлари, ўлмас тарихий обидалари билан барчани ҳайратга соладиган мўъжизакор бир масканни тасаввур қиламиз.

**Ислом КАРИМОВ**

*2008-yil*
*18-oktabr, shanba*
*№128 (2541)*

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2008 йил 17 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда ҳукуматнинг 2008 йил 8 феврал ва 18 июлдаги мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Мажлисда жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 18,4 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми ўсиши 4,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 18,5 фоизни ташкил қилгани қайд этилди. Экспортнинг юқори суръатларда ўсиши ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминламоқда. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Қулай инвестиция муҳити ва Инвестиция дастури, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари фаол амалга оширилиши ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 33,5 фоизга ўсишини таъминлади. 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. «Шўртан» конида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг учинчи ва тўртинчи навбати, Андижон вилоятидаги «Алёртекс» тўқимачилик фабрикаси, Жиззах вилоятидаги «Замонавий полимер қувур» полимер қувурлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона, Тошкент вилоятидаги «Ост-Милч» сутни қайта ишлаш заводи шулар жумласидандир.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 43,1 фоиз ўрнига 45,3 фоизгача ошишини таъминлади.

Мақсадли комплекс ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш туфайли 545,2 мингта, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 188,2 мингта, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 85,1 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эътибори иқтисодиётнинг ўсишини ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишни таъминлашда эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлашга, келгуси йилда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратишга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларида норентабел, ишламаётган ва истиқболи йўқ корхоналар, кам самарали акциядорлик жамиятлари сонини камайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари танқидий кўриб чиқилди. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналарни самарали ишлайдиган мулкдорларга сотишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши зарурлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бирлашмалари, вазирликлар ва идораларга банкрот корхоналарнинг сотиб олинган ва бугунги кунда ишлатилмаётган мол-мулки асосида бозорда рақобатбардошли ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар чиқарадиган замонавий ишлаб чиқаришлар ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Мажлисда молия-банк тизимининг жорий йилнинг 9 ойидаги фаолияти якунлари ва умуман 2008 йилда кутилаётган кўрсаткичларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўламлари кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирларига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб туриши алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда банкларнинг капиталлашувини изчил ошириш, уларнинг активларини диверсификациялашни чуқурлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, республика банкларининг узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш асосида барқарор ресурс базасини шакллантиришга йўналтирилганлиги республика банк тизимининг янада мустаҳкамланиши ва ишончлилиги ошишига кўмак бермоқда. Аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкам бўлиб, банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми кейинги 5 йилда 8,6 баравар, шу жумладан жорий йилнинг 9 ойида 1,5 баравар ўсгани шундан далолат беради.

Тижорат банкларининг раҳбарлари эътибори таркибий қайта ўзгартиришлар жараёнларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда, юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга оширишда ўз маблағлари ва жалб этилган капитал билан қатнашишни янада фаоллаштириш зарурлигига қаратилди. Шу муносабат билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Асакабанк, шунингдек, жорий йилда капиталлашув даражасини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор қарорлари қабул қилинган Ўзсаноатқурилишбанк, Пахта-банк ва Ғалла-банк сингари етакчи тижорат банкларининг роли алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолиятини янада такомиллаштириш ва айниқса қишлоқ жойларда улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ва улардан фойдаланишда қулайликлар яратиш, шунингдек, суғурталовчилар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда 2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури бажарилиши ва 2008 йил якунлари бўйича кутилаётган натижаларга эришиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини кўпайтиришда Давлат дастури доирасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳаларнинг муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳамда вилоятлар ҳокимликларига таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳали давом этаётган мелиорация объектларини ўз вақтида ишга туширишни, 2009 йилнинг биринчи чорагида амалга ошириш назарда тутилган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳалари бўйича зарур лойиҳа ҳужжатларини олдиндан тайёрланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш, шунингдек, бажарилаётган мелиорация ишларининг сифати, ажратилаётган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Мажлис мобайнида пахтани йиғиб-териб олиш мавсумини ўз вақтида ва муваффақиятли якунлаш, кузги дон экинлари экишни мақбул агротехника муддатларида таъминлаш ва 2009 йил ҳосили учун пухта замин яратиш мақсадида кузги шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди ва тегишли вазирликлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига топшириқлар берилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёрлиги ҳолати, шунингдек, 2008-2009 йиллар куз-қиш даврига мева-сабзавот маҳсулотлари ғамлашнинг боришига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама жараёнида 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан уларга газ, электр ва иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги алоҳида таъкидланди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси раҳбарларининг эътибори мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани белгиланган ҳажмларда ғамлашни туғаллаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка нархларининг ички бозорда асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймасдан аҳолига сотиш учун уларнинг захиралари тизимли равишда сотувга чиқарилишини таъминлаш зарурлигига қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республиканинг йирик корхоналари, тижорат банклари ва вилоятлар раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш ва келгуси йилда республика иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## Ўзбекистон жаҳон нигоҳида

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида 16-октябр куни «Буюк Ипак йўли туризми» XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди.*





*Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва 14-15 октябр кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси якуни бўйича 950 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди.*

*Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Дом стиля» модалар уйи ҳамкорлигида ташкил этилган «Style.Uz» — учинчи мода ва дизайн ҳафталиги бўлиб ўтди.*






*9-12 октябр кунлари Тошкентда «Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2008» 5-Халқаро Ўзбекистон кўргазмаси бўлиб ўтди. Анжуманда 20 га яқин хориж компания ва фирмалари иштирок этди.*

## Табаррук отахон



Марғилон шаҳар Ю.Хонкелдиев кўчаси 64-хонадонда яшовчи Муқимжон ҳожи Жалилов бу йил юзинчи баҳорини қарши олди.

Ўн олти ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган отахон турли вазифаларда эллик йилдан кўпроқ ишлаган.

У кампири Саодатхон ая билан 3 ўғил, 4 қизни вояга етказди. Ҳозирги кунда 35 невара, 44 чеваранинг севимли бобоси кексалик гаштини суриб, шукур қилиб яшамоқда.

— Олганингиз олқиш бўлсин, болаларим! Эл-юртдан файзу барака аримасин, — деб дуога қўл очади Муқимжон ота.

Ҳожи бобо шахсий жамғармасидан 100 минг сўмни Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи иншоотларини бунёд этишга ҳадя қилди. Шундай табаррук ҳамшаҳримиз борлигидан фахрланамиз.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Суратда: Муқимжон ҳожи Жалилов.


## «ISHONCH» — сизнинг дўстингиз

*Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервьюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...*




***...«ISHONCH» билан дўстлашинг!***

Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...

***...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!***

Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.

**«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!**

## Жамоа шартномаси амалда

# Умумий манфаатлар ифодаси



**Маъмурият билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган жамоа шартномасида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини изчил назорат қилиб бориш кейинги йилларда касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бу борада йўлга қўйилган ишлар якуни эса ижро назорати жамоа манфаатини ифодаловчи шартномага мунтазам ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан қўшиб олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда.**

Бунинг сабаби оддий — меҳнат аҳли ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши таниб оляпти. Аввалгидек йиғилишларда мум тишлаб ўтиришлар энди йўқ. Керак пайтда ҳар ким ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлаяпти. Камчиликларни ҳам рўй-рост гапириб ўтяпти. Қолаверса, шиддат билан илгарилаб бораётган замон нафаси, қадамба-қадам амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва ишлаб чиқариш хусусиятлари ҳам кундан кунга янги талабларни ўртага ташлаяпти. Табиийки, меҳнаткашлар хоҳиш-иродасига ҳар томонлама мос келувчи бу каби ҳаётий вазифалар жамоа шартномасида ўз аксини топмоқда.

Қарийб олти минг киши меҳнат қилаётган «Фарғонаазот» очиқ акциядорлик жамиятида ҳар ярим йилда жамоа шартномасининг бажарилиши якунларига бағишлаб ўтказилаётган касаба уюшмаси конференцияси йилдан-йилга ишчанлик, ҳар бир қатнашчининг фаоллиги билан ўтаётгани яққол сезиляпти. Жамият бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси бу анжуманга олдиндан пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Конференцияга қадар касаба уюшмаларининг бошланғич ташкилотларида жамоа шартномаси талаблари қандай адо этилаётганлиги ҳақидаги масала обдон муҳокама қилиниб, унга киритилиши таклиф этиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар келишиб олинмоқда ҳамда делегатлар ўз анжуманларига аниқ хулосалар билан келишмоқда.

— Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш ишловчиларга қулай шароитлар яратиш, доимий эътибор ва ғамхўрликка боғлиқ эканлиги сир эмас, — деди яқинда бўлиб ўтган касаба уюшмаси конференциясида сўз олган карбамид ишлаб чиқариш цехи касаба уюшмасининг фаолларидан бири, технолог-уста Светлана Морозова. — Цехимизга хизмат қилаётган ошхонадаги шароит талабга жавоб бермай қолди. Кўпдан бери уни таъмирлаш ҳақида гап бўлади, лекин амалий ишга ўтилмаяпти.

Жонкуяр жамоатчи яна бир қанча муаммоларни айтиб ўтди. Жумладан, у цехнинг ишлаб чиқариш биноларини кенгайтириш энг зарур вазифа бўлиб турганлигини таъкидлади. Корхонанинг асосий биноларидан анча олисда бўлган цех ҳудудида пластик карточкага хизмат кўрсатувчи савдо дўконлари очиш пайсалга солинаётганлигига эътиборни қаратди.

Ғоят ишчанлик руҳида ўтган конференцияда жамият касаба уюшмаси қўмитаси фаолиятига ҳам эътирозлар айтиб ўтилди.

— Йил бошида раҳбарият ташаббуси билан ишловчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш, хоналарни ёритиш, иситиш, иссиқ ва совуқ сув билан, шунингдек, санитария-гигиена жиҳозлари билан таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш аҳволини ўрганиб борувчи алоҳида гуруҳ ташкил этилган эди. Бу гуруҳ фаолияти дастлабки ойлардаёқ ўз самарасини берди. Меҳнат жамоаларида ходимларга яратилаётган шароит кескин яхшиланиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Теварак-атроф тозаланиб, ободонлаштириляпти. Айниқса, дам олиш жойлари керакли жиҳозлар билан таъминланиб, «Маънавият хоналари» ташкил этишга киришилганлиги, аёллар хоналарига эътибор кучайтирилганлигини ишчи ва мутахассисларимиз мамнунлик билан гапирмоқдалар. Афсуски, жамият касаба уюшмаси вакиллари бу гуруҳ томонидан ташкил этилаётган тадбирларда етарли даражада иштирок этмадилар, — деди маънавият ва маърифат масалалари бўйича етакчи мутахассис Раҳматулла Ҳадятуллаев.

Шунингдек, корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларининг таъсири сезилмаётганлиги ҳам танқид қилинди. Бевосита касаба уюшма ташкилоти бошқараётган бу жамоатчилик гуруҳи меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида деярли фаолият кўрсатмаяпти. Қарангки, ўтган тўрт йил ичида жамоатчилик вакилларининг ярми янгиланди. Аммо шу давр мобайнида янги вакилларни турли машғулотларга жалб этиб, уларнинг билим ва малакаларини ошириш эътибордан четда қолди. Фақат Меҳнат вазирлиги ходимлари бу борадаги аҳволни ўрганиб чиқиб, эътироз билдиришганидан кейингина шу йил август ойидан уларнинг ўқувлари йўлга қўйилди.

Конференцияда жамият бошқаруви ва касаба уюшма ташкилотининг фаолиятида учраётган камчилик ва муаммолар умумлаштирилиб, уларни бартараф этиш юзасидан 17 банддан иборат тадбирлар ишлаб чиқилди. Жамоа шартномасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Корхона меҳнат жамоасининг асосий минбари бўлган касаба уюшмаси конференциясида билдирилган эътироз ва таклифлар, ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалий ижросини таъминлаш учун ўрнатилган доимий назорат ўз натижаларини бера бошлади.

Жумладан, ўтган ойлар ичида корхонанинг даволаш-соғломлаштириш ва ташхис маркази томонидан карбамид ишлаб чиқариш цехи ҳудудида қатъий жадвал бўйича шифокорлар қабули йўлга қўйилган. Эндиликда корхонанинг барча цех ва бўлимларида ҳам ана шундай қабул кунларини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва хўжалик моллари дўкони ишга туширилди.

Ҳадемай новвойхона ҳам иш бошлайди. Унга яқин маъмурий-маиший, ошхона, бир қатор ишлаб чиқариш биноларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Техника ўқуви хоналарига яқин кунларда компютер ўрнатилади ва ўнлаб мутахассислар уларни бошқаришни ўрганишга киришадилар. Бу эса корхонада маҳсулот тайёрлаш жараёнларини бошқаришни замонавий усулларга кўчириш соҳасидаги ишлар янада такомиллашиб бораётганидан далолатдир.

Бу натижалар жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг манфаатларига, уларнинг талаб-истакларини рўёбга чиқаришга қанчалик кенг кўламда хизмат қилаётганлигини ҳам кўрсатиб турибди.

**Музаффар МАМАТҚУЛОВ**

# Ҳаридоргир маҳсулотлар



Ишчи Назарали Холдаров



Сифат назоратчиси Хурсандой Сафарова

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан хорижий давлатларга сотилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Хонобод шаҳридаги «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам бу борада ўзининг муносиб ўрнига эга.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган турли кабеллар, пўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланаётган металл тўрларга чет элларда ҳам талаб катта. Чунки бу маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан аллақачон харидорлар ишончини оқлаган. Жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган корхона маҳсулотлари айни пайтда кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

# Шаҳар мавсумга шай

**Тараддуд**

Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Қўқон шаҳрида ҳам мавсумга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, электр энергияси таъминотини барқарор таъминлаш мақсадида кабел тармоқлари, 21 та трансформатор подстанциялари таъмирдан чиқарилди. Навоий ва Форобий номли кўчаларда янги газ қувурлари ўрнатилди. Таъминотда муаммоси бўлган 9 та маҳалла фуқаролар йиғинига янги ўрта босимли қувурлар олиб кириш, тармоқларни зичликка синаш, ҳар бир ПРПларга алоҳида шахсларни бириктириш ишлари амалга оширилмоқда. «Иссиқлик манбаи» давлат корхонаси ҳамда «Энергомарказ» ОАЖ томонидан ҳам иссиқлик тармоқлари, қозон ва қозонхоналарни мавсумга тайёрлаш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунгача 1,6 км. масофада иссиқлик тармоқлари, 3 та қозон мукаммал таъмирланди.

Шаҳардаги 4 та мактаб ва битта касб-ҳунар коллежи реконструкция қилиниб, таъмирлаш ишлари якунланди. Шу билан бирга 6-мактабда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган спорт зали ҳам фойдаланишга топширилди. Соғлиқни сақлаш тизимида 36 та даволаш-профилактика муассасалари бўлиб, шаҳар сил касалликларига қарши курашиш диспансери таъмирдан чиқарилди.

— Албатта, мавсумнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ, — дейди шаҳар бош шифокори Комилжон Шамсиддинов. — Барча даволаш профилактика муассасаларида иссиқлик тармоқлари, сув, оқава сув, электр, бино томлари жорий таъмирланди.

Шунингдек, ўтган йилнинг аччиқ сабоқларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларида кўмир захирасини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Шаҳардаги «Қурилиш моллари» хусусий корхонаси билан 2600 тонна кўмир келтиришга шартнома тузилиб, «Асакабанк» орқали 100 миллион сўмлик кредит олинди.

Кўп қаватли уйларнинг 89 таси таъмирланди. Ширкатлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан яна 29 уйда жорий таъмир ўтказилади. Шаҳар озодалигини сақлашга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Чиқиндиларни ташиш учун 9 та замонавий чет эл автомобиллари сотиб олинди. «Uzmobile» фирмаси бу ишларга бош-қош бўлиб, «Сигнал» тадбирини ишлаб чиқди. Бу шаҳар аҳлини мамнун этмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

# Ёш оилаларга ғамхўрлик

**Ёш оилани ниҳолга қиёслашади. Дарҳақиқат ниҳолни қанчалик парвариш этсангиз, унга бор меҳрингизни берсангиз у шунчалик яхши томир отиб, кўкка бўй чўзади, келажакда яхши мева беради. Ширин шаҳрида бугун 16 мингдан зиёд аҳоли умргузаронлик қилади. Аҳолининг етмиш фоиздан ошиғини ёшлар ташкил этади. Шу боис ҳам Ёшлар йилида шаҳар ёшларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.**





Айниқса, ёш оилаларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ширинлик кўплаб ёш оилаларнинг турар-жой ва яшаш шарт-шароитлари яхшиланмоқда. Яқинда ёш оилалар катта туҳфага эга бўлди. Мустақиллик байрами арафасида «Ёшлар уйи» қуриб битказилди. Бир пайтлар қурилиши тугалланмай, эътиборсизликдан хароба, ташландиқ, аҳволга келиб қолган тўрт қаватли бинода шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бунёдкорлик ишлари «Сирдарё ИЭС қурилиш» шўъба корхонаси томонидан амалга оширилди. 48 хонадонга мўлжалланган уй шаҳарнинг энг гўзал замонавий қиёфадаги турар-жой биносига айланди. Энг қувончлиси, «Ёшлар уйи» ва чор-атрофдаги кўп қаватли уйларни иситиш мақсадида янги қозонхона биноси ҳам қуриб битказилди. Энди ёш оилалар қишнинг совуқ кунларида ҳам асло азият чекмайдилар.

«Ёшлар уйи»нинг фойдаланишга топширилиши шаҳарда катта тантанага айланди. Ўз уйига эга бўлган ёшларнинг қувончи чексиз.

**Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

**Когон туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси Ҳулкарбегим Убайдова Мустақиллик байрами арафасида уйига бир олам қувонч билан кириб келди. Уни қарши олган онаси — 5-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ҳилола Раҳимова қизининг хурсандчилиги сабабини сўради.**

# Устоз ва талабалар ташаккури

— Вилоят марказида барча туман ва шаҳардан таклиф этилган 13 нафар ўғил-қизга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси таъсис этган «Ҳавас» стипендияси гувоҳномаси топширилди, — деди ҳаяжонини яширолмаган Ҳулкарбегим.

Дарҳақиқат, тадбир давомида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан юборилган совғалар эгаларига тақдим этилди. Шунингдек, ёшлар тарбиясида фидойилик кўрсатган 50 нафар устоз-мураббийларнинг ҳар бирига 50.000 сўмдан мукофот берилди.

Тадбирдан тармоқ касаба уюшма аъзоларининг 100 нафар фарзандлари ҳам уйларига мамнун ҳолда қайтди. Чунки уларга Марказий кенгаш томонидан кўркам мактаб формалари тарқатилди.

— Машаққатли, аммо шарафли касбимизни эъзозлаб, ёшлар тарбияси соҳасидаги хизматларимизга катта эътибор қаратаётган Юртбошимизга ҳамда касаба уюшма ташкилотларига алоҳида ғамхўрлик учун ташаккур айтаман, — дейди Когон шаҳридаги 4-мактабнинг география фани ўқитувчиси Ойгул Баротова. — Бундай рағбатга мактабимиздан яна 3 касбдошим лойиқ деб топилгани педагогик жамоамизни ғоят хурсанд қилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Бахшилло Умаровнинг таъкидлашича, ушбу кенгаш томонидан вилоятдаги кам таъминланган 640 та оила фарзандларига бепул мактаб формалари тарқатилган. Вилоятдаги 32-Меҳрибонлик уйи, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабаларидан 125 нафарига ҳам вилоят кенгашининг стипендиялари берилмоқда. Келажагимиз эгаларига нисбатан бундай ғамхўрлик келгусида ўзининг ширин мевасини беражаги муқаррар.

**Ўз мухбиримиз**

# Тийинларни тежайман деб... миллионларни совурмайлик

**Меҳнат муҳофазаси**



«Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимлар меҳнат қилаётган корхоналарда махсус тайёгарликка эга бўлган мутахассислардан иборат меҳнат муҳофазаси хизмати фаолият юритиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Лекин афсуски, айрим жойларда ҳамон меҳнат муҳофазаси хизматини қисқартириб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу сингари ўринсиз ҳаракатларни «Чустмаш», Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси ва Наманган шаҳридаги 11-автосарой акциядорлик жамиятларида кўриш мумкин. Бунинг оқибатида баъзи корхоналарда ишлаб чиқаришда жароҳат олганларга тўланган товон пули меҳнат муҳофазаси мутахассисларига бериладиган ойлик маош миқдоридан бир неча баробар кўпайиб кетяпти.

Содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни таҳлил этар эканмиз, уларнинг асосий сабаби меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган эскирган ускуналардан фойдаланиш, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш устидан назорат етарли эмаслиги, техника хавфсизлиги бўйича ходимларнинг билими саёзлиги, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш ташкил этилмаганлигида эканлиги маълум бўлди.

Масалан, Намангандаги «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонасида электр токидан ҳимоя воситалари — резина қўлқоп ва резина гиламчалар лаборатория синовидан ўтказилмаган. Электр-насос қурилмалари ҳимоя тўсиқларидан фойдаланилмасдан ишлатилмоқда. Шунингдек, «Муслим-Текст» Ўзбек-Хитой қўшма корхонасида ходимлар махсус кийим-бош киймай ишлашмоқда. Ечиниш хонасига ўриндиқлар қўйилмаган. Ечиниш шкафлари етарли эмас. Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари навбатдаги тиббий кўрикдан ўтказилмаган. «Иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш» бошқармасида ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаган.

Ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибдики, меҳнат муҳофазаси яхши йўлга қўйилмаган жойда ишда барака, меҳнатда ютуқ бўлмайди. Бинобарин, касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятида доимо шу ҳолатни ҳисобга олишлари ва маъмурият билан ҳамкорликда бу масалага асосий эътиборни қаратиши лозим.

**Муҳаммаджон РУСТАМОВ, Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгашининг бўлим мудири**

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Умид

Қўшнининг ҳасратидан чанг чиқди.

— Қизимнинг ёши ўттиздан ошди, қариқиз бўлиб қоляпти.

— Яратганнинг карами кенг, ўтирган қиз, албатта, ўрнини топади, — дедим.

— Биттаси бор, кўриниши туппа-тузук, бироқ гап-сўзи ёқинқирамаяпти. «Трактор заводида ишлайман, етимчаман», — дейди. Шу десангиз, кўнглим чопмайроқ турибди-да...

— Ундай бўлса, ишхонасидан суриштириш керак.

— Касаба уюшма газетасида ишлайсиз, сўраб-суриштириб берасизми, девдим...

Опанинг гапини ерда қолдирмадим. Корхона бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раисига қўнғироқ қилдим.

— Фамилияси нима, қайси цехда ишлайди? — сўради у.

— Улар ҳам билишмас экан.

— Шундайми, унда заводдаги барча Умидлар ҳақида маълумот тўплаймиз экан-да, — кулди у, энг муҳими, шу заҳотиёқ илтимосни бажо келтиришга киришиб.

Алла Георгиевнанинг самимий муомаласи, ширин лутфи кўнгил кўзгусига муҳрланди. Унинг фаолияти ҳақида ёзиш фикри ҳам ана шунда туғилди.

Бир куни корхонага дабдурустдан кириб бордим. Алла Георгиевна «иш қозон»ида қайнаб ётарди.

— Яқинда цехлараро миллий кураш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказамиз. Мавжуд олти нафар тренернинг ҳам бош қашишга қўли тегмаяпти, — деди касабақўм.

— «Отам, онам ва мен» мавзуидаги оилавий мусобақамиз ҳар йили жуда қизиқ ўтади, гап қўшди қўмита ҳисобчиси Элмира Никифорова.

Юз бичими нозик, келишган, гарчи элликдан ўтган бўлса ҳам, ниҳоятда тароватли Алла буюк Л.Толстойнинг «Анна Каренина» романидаги Анна Каренина образини кўз олдимда намоён этди.

Украин қизи Алла асли кировоградлик бўлиб, институтни тугатгач, йўлланма билан Тошкент трактор заводига ишга юборилганди. Борлиғини боғ-роғ, бепоён пахтазорлар қамраб олган сўлим ўлка уни лол қолдирди. Ўзбекона меҳмондўстликни кўриб бағри қувончга тўлди.

— Инсонлардаги самимийликни, ростгўйликни ёқтираман. Ёлғонга, мунофиқликка асло тоқатим йўқ, — дейди у. — Ўзбек халқининг меҳнаткашлиги, очиққўнгиллиги мени асир этди. Жаннатвор



бу юрт ва унинг ажойиб кишилари қалбимга, қонимга сингди.

Қизгина ҳали ишда тажрибасиз эди. 21-цех бошлиғи Владимир Александрович Беляев ёш мутахасиснинг камчиликларини кечириб, иш ўргатишдан эринмади. «У менинг илк устозим, суянган тоғим эди. Кейинчалик корхонага раҳбар ҳам бўлди. Узоқ йиллар бирга ишлашдик. Владимир Александрович дунёдан ўтиб кетди, аммо уни нафақат мен, бошқалар ҳам тез-тез эслашади».

— Кировоградга қайтгингиз кел-

# 18 октябр – Самарқанд шаҳри куни



## «Самарқанд сайқали рўйи замин аст»



***Дунёда шундай шаҳарлар борки, улар жаҳон гулбоғида сарв мисол ўз ўрнини йўқотмайди. «Рўйи замин сайқали» дея таърифланган Самарқанд ҳам ана шундай шаҳарлардан биридир. Бундан ўн икки йил муқаддам қадим ва ҳамиша навқирон бу шаҳри азимда соҳибқирон Амир Темур ҳайкали очилиб, Президентимиз фармонига кўра Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган ва ўша тантанали маросимда давлатимиз раҳбари 18 октябрни «Самарқанд шаҳри куни» деб аташни таклиф этган эди.***

***Шундан буён ушбу санани ўзгача руҳ билан кутадиган самарқандликлар бу йил ҳам мунаввар шаҳар тўйини муносиб тарзда нишонламоқдалар. Бу эса нафақат улар кўнглида фахр ва ғурур ҳиссини, балки ҳаётдан рози эканликларининг ҳам бир тимсолидир.***

# Афсона қобиғидаги туҳматлар

Самарқанд тарихининг қадим саҳифалари мозийнинг зил-замбил тупроғига қоришиб кетган. Айрим саҳифалари эса афсона ва ривоятлар қобиғига ўралиб қолган. Бу табиий албатта. Чунки тарихий воқеалар аждодлардан авлодларга, оғиздан оғизга кўчиб ўтаётганда айрим тафсилотлари тушиб қолади ёки янги тафсилотлар қўшилиб кетади. Шу тариқа баъзи воқеалар афсоналарга айланади.

Самарқанд шаҳрининг пайдо бўлиши ва номи билан боғлиқ баъзи чалкашликлар мавжуд. Шунинг учун шаҳарнинг тарихи билан шуғулланаётган олимлар кўпинча бундай афсоналарга дуч келгач, иккиланиб қолишади. Бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона чораси афсона ва ривоятларни тарихий маълумотлар ҳамда археологик манбалар билан қиёслашдир. Шундан сўнггина ҳақиқат аён бўлади.

Яна шундай афсоналар ҳам борки, маълум бир тарихий шахс фаолиятини қоралаш ва обрўсизлантиришга қаратилган. Бундай манбаларни айрим тарихий манбалар, йилномалар ёки бугунги асарларда ҳам учратиш мумкин. Ачинарлиси шундаки, соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳам кўплаб туҳмат гаплар тўқиб чиқарилган. Тарихий асарларда келтирилган афсоналарни айримлар чин дея ишонадилар.

Соҳибқирон тўғрисида афсона тўқиб, уни ўз асарига киритган биринчи шахс — Ибн Арабшоҳдир. Асирликнинг машаққатларини тортган бу тарихчи Амир Темур ҳақидаги ҳақиқат билан бир қаторда, ҳақиқатдан йироқ гапларни ҳам ёзиб қолдирган. Ибн Арабшоҳ 1402 йилги Анқара жангидан сўнг енгилиб, асир тушган турк султони Йилдирим Боязидни Амир Темур қафасга солиб, ўзи билан олиб юрган деб ёзади. На шарқ ва на ғарблик бирорта тарихчи бундай иш бўлганини ёзиб қолдирмаган. Аксинча, барча тарихчилар Амир Темур асир тушган Боязидга иззат-ҳурмат кўрсатгани, кўнглини кўтарганини таъкидлашган.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун темурийлар ва бобурийлар тарихининг катта билимдони, таниқли француз шарқшуноси Жан Пол Рунинг фикрларига эътибор қаратсак. Олим Анқара жанги тафсилотларига тўхталгач, асир тушган Боязидни соҳибқироннинг ҳузурига келтирганларини ва уни ҳурмат билан кутиб олиб, амирлар томонидан қўриқланадиган чодирга жойлаштирганини айтади. «Темур Боязидни ҳам Тўхтамиш каби фақатгина енгилмас ҳарбий иқтидори борлиги учун севарди. Эҳтимол, Амир Темур Боязидни аввалги ҳолатига қайтарар эди. Афсуски, тақдир бунга йўл бермайди», — деб ёзган эди Жан Пол Ру. Вафот этган Боязидни Амир Темурнинг буйруғига кўра шоҳона маросим билан Бурсадаги мақбарага дафн этишганини ҳам алоҳида таъкидлайди. Бундай ҳолатни яна бир европалик тарихчи Гаролд Лэмб ҳам асарида қайд этган.

14-аср рус йилномаларида ҳам Амир Темурнинг ҳарбий фаолияти билан боғлиқ бир афсона мавжуд. Унда айтилишича, Амир Темур Москвага юриш қилмоқчи бўлганида Москва князи Владимир шаҳридан Биби Марям ва Исонинг тасвири туширилган иконани келтиришларини буюради. Ушбу икона Москвага келтирилгач, гўёки мўъжиза рўй бериб, осмонда самовий жангчилар пайдо бўлади. Бундан чўчиган Амир Темур Москвага юриш қилиш ниятидан қайтиб, Самарқандга йўл олади. Бу афсона кейинчалик бошқа асарларга ҳам кўчиб ўтган. Ушбу «мўъжиза»га бағишлаб Москвада монастир ҳам барпо қилинган.

Хўш, тарихий асарлардаги ҳақиқат қандай? Маълумки, 1395 йили Амир Темур билан Олтин Ўрда хони Тўхтамиш ўртасида жанг бўлади. Жангда мағлуб бўлган Тўхтамиш Россиянинг шимолий ўрмонлари томон қочади. Амир Темур уни таъқиб этиб, рус ерларига кириб боради. Тўхтамиш эса қалин ўрмонлар ичига кириб кетади. Амир Темур қувишни бас қилиб орқасига қайтади ва Елец шаҳрига келиб қўшинларига дам беришга қарор қилади. Амир Темурнинг режасига кўра, қўшин ҳордиқ чиқаргандан сўнг Самарқандга қайтиш керак эди. Соҳибқироннинг Елецга келганини эшитган Москва князи талвасага тушиб қолади. Владимирдан иконани келтиришни, барча черковларда нажот сўраб, худога сиғинишни буюради. Аёллар, чоллар ва болалар кеча-ю кундуз ибодат қила бошлайди. Дам олиш поёнига етгач, Амир Темур ортига қайтади. Бор гап шу. Рус йилномаларида Амир Темур қўшинлари Елецда аҳолини ўлдирганлиги ёки бошқа бир зўравонликлар қилганлиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Энг қизиғи, 1995 йили Елец шаҳрида «Руснинг Амир Темурдан халос қилинганининг 600 йиллиги» нишонланган эди. Мана афсона ортидан пайдо бўлган туҳмат.

Амир Темур шахсияти билан боғлиқ афсоналарнинг энг шов-шувлиси 1941 йилги воқеаларга бориб тақалади. 1941 йилнинг 16 — 24 июн кунлари Самарқанддаги Амир Темур мақбарасида илмий тадқиқот ўтказиш баҳонасида Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Муҳаммад Султон ва Улуғбекларнинг қабри очилган эди. 1941 йилнинг 22 июнида немислар СССРга қарши уруш бошлаган ва айримлар бу урушни Амир Темурнинг қабри очилиши билан боғлаган эдилар. Бугунги кунда ҳам бу фикр кўпчиликнинг хаёлини банд қилиб келмоқда. Келинг, ҳис-ҳаяжонсиз бу ҳақда фикр юритайлик. Авваламбор шуни айтишимиз лозимки, ер юзидаги барча динларда марҳумларнинг қабрини очиб руҳларини безовта қилиш қаттиқ қораланади. 1941 йилнинг июнида Амир Темур ва темурий шаҳзодаларнинг қабрлари очилиши марҳумлар учун ҳам, тириклар учун ҳам номаъқул иш бўлган эди. Энди мазкур номаъқулчиликнинг уруш бошланиши билан боғлиқлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу ҳеч бир мантиққа тўғри келмайдиган фикрдир.

Биринчидан, Амир Темурнинг қабри 1941 йилнинг 21 июнида эмас, балки 19 июнда очилган. Қабрларни сув босиб, арча ёғочидан қилинган тобут чириб кетганлиги учун олимлар ҳар хил кимёвий усулларни қўллаб ёғочни қотирган ва ишлов беришган. 21 июн куни Амир Темур жасади қабрдан чиқариб олинган. Қолаверса, 1941 йилги уруш Гитлер бошлаган иккинчи жаҳон урушининг давоми эди, холос. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иккинчи жаҳон урушининг содир бўлиши 1933 йилдаёқ, яъни Гитлер Германия ҳокимиятини эгаллаган пайтдаёқ аён бўлган эди.

1941 йилги урушни Амир Темурнинг қабри очилиши билан боғлайдиганлар фикрининг тагида яна битта яширин фикр мавжуд. Эмишки, Амир Темур ёвузлик, уруш тимсоли. У қабрдагина жим ётади. Қабр очилгач, ёвузлик ер юзига чиқиб, уруш бошланди ва инсониятга кулфат келтирди деган ғояни илгари сурадилар. Улар яна Амир Темурнинг жасади ўз жойига қайта дафн этилган эди, урушда ғалаба бўлди деган фикрларни ҳам айтади. Ваҳоланки, Амир Темурнинг жасади 1942 йилнинг октябрида қайта дафн этилган, уруш эса яна уч йил давом этган. 60 миллионга яқин одамнинг ёстиғини қуритган бу урушни Амир Темурнинг шахсияти билан боғлаш улуғ бобомизнинг хотирасини ҳақорат қилишдан бошқа нарса эмас.



Ўтмишимиз ва ўтмишдаги улуғ сиймоларимизни ҳақоратлаш учун тўқиб чиқарилган афсоналардан яна бири Амир Темур салтанатининг бош маликаси Сароймулкхоним (Бибихоним) билан боғлиқдир. Самарқанддаги Амир Темур жомеъ масжидини кўришга келган сайёҳларга экскурсоводлар масжид тарихидан кўра кўпроқ Бибихоним ва меъмор ўртасида «бўлган» муносабатлар ҳақида гапиришни хуш кўрадилар.

Уларнинг ҳикоя қилишича, Амир Темурнинг сафардан қайтаётганини эшитган Бибихоним меъмордан масжид қурилишини тезлаштиришни сўрайди. Чунки хоним қурилишни якунлаб соҳибқиронни хурсанд қилмоқчи экан. Бибихонимнинг бағоят гўзаллигини эшитган меъмор, агар хоним бир бўса берса, қурилишни тезлаштиришини айтибди. Чорасиз қолган Бибихоним меъморнинг шартига рози бўлибди ва парданинг устидан ўптиришга кўнибди. Аммо меъморнинг бўсасидан хонимнинг юзида доғ қолибди. Самарқандга келиб бундан воқиф бўлган Амир Темур меъморни ўлдирибди.

Бу афсонани ҳар бир гид ўз фантазиясидан келиб чиқиб ҳикоя қилади. Бу курақда турмайдиган афсонани ким, қачон ўйлаб чиқарганини айтиш қийин. Аммо гап унинг бугун ҳам ажнабий сайёҳларга айтилаётганида.

Амир Темур даврида шарм-ҳаё, ор-номус ва вафодорлик шу даражада эдики, маликаларнинг на юзини ва на овозини номаҳрам киши кўра олмас, эшита олмас эди. Қолаверса, жомеъ масжидининг қурилиши якунланаётган даврларда Бибихоним Самарқандда бўлмаган. Тарихчи Низомиддин Шомийнинг ёзишича, бу даврда Бибихоним ва айрим маликалар Султония шаҳрида яшаб турган. Масжиднинг Бибихоним номи билан боғланиб кетишининг сабаби шундаки, унинг қарама-қарши томонида Бибихоним мадрасаси қад ростлаб турган. Даврлар ўтиши билан мадраса вайрон бўлиб кетгач, унинг номи масжидга ўтган ва халқ ўртасида Бибихоним масжиди деб аталиб кетган. Аслида масжиднинг ҳақиқий номи «Амир Темур жомеъ масжиди»дир. Бу афсона эса Бибихонимнинг пок номига туҳматдан бошқа нарса эмас.

Кези келганда шуни айтмоқчиманки, хорижий тилни, бир-иккита чўпчакнамо маълумотни билиб олган киши гид-таржимон бўлиб қолмайди. Таржимонларда авваламбор шу ватанга, шу ерда яшайдиган халққа ва унинг тарихига, маданиятига, тилига, урф-одатларига нисбатан меҳр-муҳаббат бўлиши керак. Хориждан келган меҳмонларга шундай нарсаларни айтишлари лозимки, меҳмонда бу юртга ва унинг халқига нисбатан ҳурмат, эҳтиром пайдо бўлсин. Шу билан бирга барча гидлар хорижлик меҳмонларга ёдгорликлар ҳақида узуқ-юлуқ гапларни эмас, балки бу юртда кечган ва кечаётган улуғ жараёнлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида, халқимизнинг бошқа халқлардан ажралиб турадиган хислатлари тўғрисида тўлақонли маълумот беришлари керак. Шундагина чўпчакнамо афсоналарга ўрин қолмайди.

**Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# Олам ва одам

Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар

## Энди давлат тилида дарс берилади



*«Новости» (Россия) ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия сейми кўпчилик овоз билан биринчи ўқишда «Олий маълумот тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маъқуллади. Унга кўра давлатдан дотация олувчи хусусий олий ўқув юртларида давлат тили бўлмаган тилларда дарс ўтиш тақиқланади. Бундай институт ва университетлар 15 га яқин бўлиб, уларда шу пайтгача асосан рус тилида сабоқ берилган.*

*Давлатга қарашли олий ўқув юртларида бундай тақиқ 2006 йили жорий этилган эди.*

## Озарбойжонда президент сайлови



*15 октябр куни Озарбойжонда президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда унда овоз бериш ҳуқуқига эга аҳолининг 75,64 фоизи қатнашган. Сайловчиларнинг 89,04 фоизи мамлакатнинг ҳозирги президенти Илҳом Алиевнинг номзодини қўллаб-қувватлаган.*

*Марказий сайлов комиссияси раиси Мазоир Паноҳовнинг айтишича, қолган олтита номзоднинг ҳеч қайси ҳатто 3 фоиз ҳам овоз ололмаган. Жумладан, Ғуломҳусайн Алибейлига 2,18 фоиз, Иқбол Оғазодага 2,78 фоиз, Қудрат Ҳасанқулиевга 2,22 фоиз, Фозил Ғазанфарўғлига 2,04 фоиз, Ҳафиз Гажиевга 0,62 фоиз, Фуад Алиевга 0,75 фоиз сайловчи ишонч билдирган.*

*Сайловнинг расмий натижаси 14 кун ичида эълон қилинади.*

## Нефтнинг идеал нархи



Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) президенти Шакиб Халилнинг айтишича, бир баррел нефтнинг идеал нархи 70-90 доллар атрофида экан.

«Ishonch»нинг мазкур рукнини кузатиб бораётган газетхонларимиз июл ойида бир баррел нефтнинг нархи 147 доллардан ҳам ошиб кетганлиги ҳақида хабар берганлигимизни унутишмаган бўлса керак. Ёнилғи нархининг ошиши эса дунёдаги деярли барча давлатларнинг иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Аксарият мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати секинлашди.

ОПЕК нефт қазиб олишни кўпайтириш ёки камайтириш орқали унинг жаҳон бозоридаги нархига қисман таъсир ўтказиши мумкин. Аммо ташкилот вакилларининг айтишича, нефт нархининг ўзгариши мазкур ташкилотга эмас, биржалардаги чайқовчиларга боғлиқ бўлиб қолаяпти.

18 ноябр куни ОПЕКнинг навбатдан ташқари мажлиси ўтказилади. Нефт қазиб олишга доир бир қатор масалалар муҳокама қилиниши кутилаяпти.

## «Лувр» ҳамон биринчи ўринда



Франциянинг энг йирик музейи бўлмиш «Лувр»га ўтган йили 8,2 млн. киши ташриф буюрган. «Версал» саройини эса 5,3 млн. киши томоша қилган. Маданият вазирлиги маълумотига асосланиб «Le Figaro» газетаси шундай хабар тарқатди.

Вазирлик ҳисоботида қайд этилишича, сайёҳлар орасида фақат пойтахт музейлари эмас, Монпеледаги «Фабра» музейи, «Фонтенбло» саройи, Арроманшдаги иттифоқчи қўшинларнинг Францияга туширилиши тарихига бағишланган музей ҳам анча машҳурдир.

Умуман, 2007 йили француз музейларини 52 млн. киши келиб кўрган. Бу 2006 йилдагига нисбатан 4 фоиз кўп.

## Мафиянинг таҳдиди



«Гоморра» мафияси ҳақида шов-шувга сабаб бўлган китоб ёзган италян адиби Роберто Савиано мамлакатдан чиқиб кетмоқчи. «The Guardian» газетасининг ёзишича, Италия матбуотида мафиозлар уни Рождество байрамигача ўлдирамиз деб таҳдид қилганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлганидан сўнг ёзувчи шундай қарорга келган.

Мафия Савианога илгари ҳам бир неча марта таҳдид қилган эди. Шу боис адиб охирги икки йил мобайнида қўриқчилар қуршовида яшашга мажбур бўлган.

«Гоморра» китоби асосида филм ишланган бўлиб, Канн кинофестивалида совриндор бўлган. Энг қизиғи, унда суратга тушган актёрларнинг учтаси ҳозир қамоқда ётибди, улар мафия ва турли жиноятларга алоқадорликда айбланаяпти.

**Интернет хабарлари асосида**
**ТДИУ талабаси Нурали САИДОВ тайёрлади**

# Ишончни юксалтиради

мадими? Она-юрт соғинчи деганларидек...

— Киндик қон томган тупроқни қумсамай бўладими. У ерда ота-онамнинг қабрлари бор. Болалик йилларимни, ёшлигимни тушларимда кўраман, ўша кунларни беҳад соғинаман. Лекин мен муҳаббатимни, бахтимни шу ерда топдим.

Инчунин, умрнинг кўкламида оренбурглик илғор ишчи йигит, ёшлар сардори Василий Алексеевич Долженков билан ўрталарида муҳаббат риштаси боғланди. Севишганлар Тошкентда қолишга қарор қилдилар. Тўйларида корхона раҳбарияти икки хонали квартира калитини тўёна қилди. Бу 1977 йилнинг гаплари эди. Сўнг Ирина туғилди. Йиллар ўтиб Алла ва Василий жажжи Аннанинг буви, бобоси бўлдилар.

Ишхона — пирхона, дейдилар. Севган касбда меҳнат қилиш, қадрдон инсонлар билан ҳар кунги мулоқотлар, раҳбариятнинг ишонч-эътибори уларнинг кўнглини тоғдай юксалтирарди. Шу сабабли муқаддас бу даргоҳга умр бўйи боғланиб қолдилар.

Алла Георгиевна касаба уюшма тизимида 1990 йилдан бери фаолият юритаётир. У дастлаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари, 2001 йилда эса қўмита раиси вазифаларига сайланди. Ўтган йилларда касабақўм минглаб ишчи-ходимларнинг корига яради. Заводда бирор иш унинг аралашувисиз битмайди. Биронта ишчи у билан ҳисоблашмай туриб ишдан бўшатилмайди. Мавжуд жамоа шартномасида ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла кафолатланган. Корхонада ҳозирги кунда 4 минг нафар касаба уюшма аъзоси бир-бирига камарбаста меҳнат қилаётир. Шуларнинг 1,5 минг нафарини ёшлар ташкил қилади. Меҳнат аҳлининг қулай шароитда ишлаши ва бўш пайтларида кўнгилли дам олиши учун барча шароит яратилган. Шунингдек, уларнинг соғлигини тиклашга ҳам эътибор қаратилаётир. Ёзда 50 киши «Чимён»га саёҳат қилиб қайтди. 36 киши имтиёзли йўлланма билан «Турон»-,«Ботаника» ва бошқа сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. 25 нафар ишчи-ходим «Белдерсой», «Лайнер» каби сўлим гўшаларда дам олди. 50 киши пойтахтимизнинг манзарали жойларида кўнгил очди. Касаба уюшма аъзоларига театр, ҳайвонот боғи ва цирк томошалари учун чипталар тарқатилди. Корхона тасарруфидаги «Чотқол» дам олиш зонасида ҳам ишчилар мунтазам равишда ҳордиқ чиқармоқда. Меҳнаткашларнинг талай ўғил-қизлари болалар оромгоҳларида ёзни гаштли ўтказдилар.

Бошланғич касаба уюшма раҳбарининг иш хонаси ҳамиша одамлар билан гавжум. Ёрдам сўраб келган бирор кишини Алла Георгиевна ноумид қайтармайди. Масалан, турмуш ўртоғи вафот этган 27-цех ишчиси М.Қамбаралиева, 31-цехдан Е.В.Пяньковская, меҳнат фахрийси Г.М.Кокорев, ёлғиз она Л.Кубединоваларнинг бу ердан кўнгли тўлиб чиқди. Жорий йилнинг ҳозирги кунига қадар ишчи-ходимларга касаба уюшма томонидан жами 3 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Республикамиздаги талай саноат корхоналари, жумладан, Тошкент трактор заводи ҳам иқтисодий танг ҳолатни бошдан кечирмоқда. Шундай бир пайтда касаба уюшмаси меҳнат аҳлининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаётир.

— Бу кунлар ўткинчи, дейди Долженкова. — Корхонамиз, шубҳасиз қаддини ростлаб олади. Чунки бизнинг маҳсулотимизга талабгорлар ҳамиша топилади. Энг муҳими, ишончни йўқотмаслигимиз зарур. Эртанги кунга катта умид билан боқиб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилсак, ўйлайманки, истиқболимиз порлоқ бўлади.

Сийрати сувратидек дилбар бу аёл билан хайрлашаётиб, эртанги кунга ишонч билан қадам ташлаётган бундай жонкуярлар сафи янада кенгайишини ният қилдик.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги жамоаси вакилликнинг бош ҳисобчиси Шоиста Якубовага волидаи муҳтарамаси

**НАЗИРА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси касаба уюшма фахрийси Қўзи Давлетовга турмуш ўртоғи

**Раъно РАҲИМОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




# Телепатия «ҳукмронлик»ми?

## (ёхуд телепатик фикр узатиш қобилиятига оид)

Телепатия ҳақида кўп эшитганмиз. Бировнинг ўй-фикрини сўзсиз ўқиб оладиган кишилар анчагина. «Сиз кўнглимдагини топиб гапирдингиз» ёки «Шу нарса тилимнинг учида турувди» қабилидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалинади. Психологлар буни «телепатия» деб номлашади.

Хўш, телепатиянинг ўзи нима? ЎзМУ психология кафедраси ўқитувчиси Зулхумор Азизова бу хусусида шундай дейди:

— Телепатия юнонча теле» — «узоқ», «патрос» — «ҳис қилиш» демакдир. Телепатияда одам бир-бирини таниши шарт эмас, масофадан туриб фикрини ўқий олади. Бундай хусусият бола туғилганидаёқ мавжуд бўлади. Лекин 5-6 ёшларга бориб, йўқолиб кетади. Узоқдан фикрни ўқиш баъзи болаларда сақланиб қолади. Камдан кам болалар эса бундай қобилиятдан фойдаланишади.

**— Янги туғилган болаларда қандай қилиб телепатик қобилият бўлади?..**

— Оддий мисол: Чақалоқ она кўкрагини эмаётганда волидасига қараб туради. Шунда она гўдаги кўзларига меҳр билан тикиларкан, чақалоқ буни ҳис қилади. Борди-ю, она «тезроқ эма қолсайди, деб шошиб турса, гўдак буни ҳам сезади. Ҳатто ширин сўзлар билан аллалаганда чақалоқ ором олиб, тез уйқуга кетади. Она болани тезроқ ухлатиш ниятида оғзига келганини айтиб аллаласа, гўдак баттар безовталанади. Қаранг, бундай сезги ҳар бир гўдакда мавжуд! Бола беш-олти ёшга тўлганда фикрни узоқдан ўқиш қобилиятини сақланиб қолиши ё йўқолиб кетиши асосан унинг соғломлигига, аждодларидаги қобилиятлари суяк сурганига, яшаш шароитига, ота-онасининг билимдонлигига ва кўп жиҳатдан руҳиятга боғлиқ бўлади. Агар уйда болага кўпроқ эътибор берилса, унинг қобилияти ривожланиб, кўп ҳолларда сақланиб қолади.

**— Телепатия ҳодисаси қачон ва қандай рўй беради?**

— Биласизми, одам териси сиртида юзлаб биологик фаол нуқталар бор. Улар сочган нур одам танасида худди ичма-ич жойлашган скафандрларга ўхшаш қобиқ ҳосил қилади. Бу қобиқлар қуйидагича тартибда белгиланади: *Организмдан чиқадиган иссиқлик қобиғи; инсонни ўраб турган шаффоф (аура) қобиқ; биотоклар қобиғи.*

Одам ана шу биотоклар орқали ён-атрофга маълумотлар тўлқинини юборади. Бу «тўлқин»ни тутиб олувчи қобилият кимдадир кучли, кимдадир эса кучсиз бўлади ёки умуман бўлмайди. Биомайдони кенг, биотоклари кучли одам бу борада заифроқ бўлган кишидан маълумотлар тўлқинини осонгина тортиб олади. Яъни, иродаси бўшроқ кишининг фикрини осонгина ўқиб ўзлаштиради. Яна ҳам очиқроқ айтсак, биотоклари кучли одам биомайдони заифроқ кишининг фикрларини ўзига бўйсундиради ва унга эгалик қилади. Бу психологлар таъбири билан айтганда, «бир шахснинг иккинчи бир шахс фикрлари устидан ўрнатиладиган ҳукмронлик»дир.



**— Дунёқараши турлича ва билими бир-биридан мутлақ фарқ қиладиган кишилар ҳам телепатия ўрнатиши мумкинми?**

— Албатта. Бунда чуқур билимга эга бўлган киши ўзидан кўра заифроқ, яъни ақлий меҳнат билан эмас, кўпроқ жисмоний меҳнат билан банд бўладиган одамнинг фикрини тез ўқий олади. Баъзида бу ҳолнинг аксини кузатиш мумкин. Чунки айрим кишилар дунёвий билимлардан бехабар бўлишса-да, аждодларидан ўтган ноёб қобилият туфайли «узоқдан ҳис қилиш» қобилиятига эга бўлишади. Демак, бу кўпроқ инсондаги биомайдон ва биотокларнинг қай даражада бўлишига боғлиқ. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, узоқдан фикр ўқиш ва ўзгаларга фикр узатиш қобилиятига эга бўлган кишилар бора-бора бой тажриба тўплайдилар. Ҳатто кейинчалик жамоат жойларида ҳам кўпчиликнинг фикрини ўқиш имконига эга бўлишади. Аслида бу ҳам катта билим ҳисобланади. Шу билимни ривожлантирганлар ҳамиша кучли қобилият соҳиби бўлиб қолаверадилар.

Ҳа, психолог ҳақ. Қадимда юксак илму тафаккур соҳибларининг аксарияти ғайритабиий қобилиятга эга бўлишган. Масалан, Абдураҳмон Жомий одамлар кўз ўнгида қаттиқ ёғиб турган жалани тўхтатган экан. Баҳоуддин Нақшбанд эса бало-қазоларнинг олдини олувчи киши сифатида ҳам ном чиқарган. «Учинчи кўз» соҳибларининг барчаси ён-атрофидагиларнинг муаммоларига ечим топишда ўзларидаги ноёб қобилиятга таянишган. Бундай инсонлар ҳозир ҳам кўп учрайди. Муҳими, ғаройиб қобилиятни эзгуликка йўналтириш керак. Шундагина хислатли кишилар эл орасида янада кўпроқ эъзоз топадилар.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,**
**журналист**

# Уйқуда қандай ётасиз?

**Руҳият ва биз**



**Америкалик машҳур психолог Самуэл Дэнкел шу соҳада кузатишлар олиб бориб, киши ухлаганда қай ҳолатда ётиши унинг феълатворига боғлиқ деган хулосага келди. Масалан, ғужанак бўлиб ухлайдиганларни Дэнкел ифодали қилиб «нозик ғунчалар» деб атади. Ўзларига ишончи кам бўлгани учун улар «очилиб-сочилишни» хуш кўрмайдилар. Аксинча, доим болалик тасаввурлари, орзу-ҳаваслари билан яшайдилар. Кимдир уларга суянчиқ, ғамхўр бўлишини хоҳлашади. Шунингдек, ўта таъсирчанликлари боис ақлдан кўра кўпроқ кўнгил майлига қараб иш тутишади, гоҳо адашадилар.**

**Кўкрагини ерга бериб, қулочларини кенг ёйган ҳолда ухлайдиганлар эса ўзларига ишонган, масъулиятли, иродали кишилардир. Улар ҳаяжонга берилмасдан, фақат ақл билан иш юритишади. Тасодиф ва тартибсизликни ёқтирмайди, ҳамма ишни авваладан ҳисоб-китоб қилиб, аниқ режа билан бошлайдилар. Бундайлар оилада, ишхонада, хуллас, ҳамма жойда яхши раҳбар бўлишлари мумкин.**

**Чалқанча ётиб, қўлини боши остига қўйиб ухлайдиганлар самимий, хушчақчақ, меҳрибондирлар. Улар ақлли, шу билан бирга ўзларининг яхши-ёмон томонини аниқ билишади. Ҳаётларини мураккаблаштирмай, тинч-осойишта яшашни, дўстлар билан тез-тез учрашиб туришни хуш кўрадилар. Оилада ва иш жойида ҳурмат қозонадилар.**

**Ёнбошлаб ухлайдиганлар эса мўмин-қобил, босиқ, камтарин ва зийрак бўлишади. Ҳар бир ишни астойдил бажаради, ортиқча даҳмазалардан йироқ юришга ҳаракат қилишади, лекин кўзлаган мақсадига етишишга баъзан уларда ирода, сабрбардош озлик қилади. Шуҳратпарастликка интилмай, камтарона яшашга мойил бўладилар.**

**Сиз яқин кишиларингизнинг уйқудаги ҳолатига эътибор беринг. Ушбу таҳлил ёрдамида уларнинг феъл-атворини ўрганиб, ҳамиша тушунишга ҳаракат қилинг.**

**Г.КАРИМОВА тайёрлади**



# «Қаллиқ ўйин» нима ўзи?

***Бухоронинг Қоракўлида никоҳ базми қиз боланикида бўлишини эшитганмисиз? Андижонда қиз узатган хонадон тўйдан сўнг куёвникига 40 кун тоғора (турли таомлар) ташиши ҳақида биласизми? Бундай мисоллар кўп ва улар илк дафъа қулоққа бироз ғалати эшитилади.***

Ана шундай анъаналардан бири «қаллиқ ўйин» деб номланади. «Дилхирож» филми, «Қаллиқ ўйин» спектакли (Эркин Хушвақтов)да воқеалар ривожи айни шу одат асосига қурилади.

Бу одат «куёвлаш» деб ҳам юритилиб, яқин-яқингача дашт ўзбеклари ёхуд тоғлик ўзбек уруғларида мавжуд эди. Унинг моҳияти шундан иборатки, куёв фотиҳа қилингач номусни беғоят баланд тутган ҳолда никоҳдан олдин кишибилмас қизникига боради, эпласа, у билан учрашади, ҳатто тунаб қолади. Бу ҳақда кўпинча аёл қудалар ўзаро тил бириктирганлар, эркакларга эса одатда билдирмай қўя қолишган. Шунингдек, куёвнинг бўлғуси ёриникига ташрифи миллий қадриятларни топтамаган ҳолда, одамларнинг гап-сўзларига нишон бўлмаслик учун асосан пинҳона амалга оширилган. Миллий эпосимиз бўлмиш «Алпомиш»да ҳам бу одат билан боғлиқ ўринлар учрайди.

**Барчин шундай гажакдорди(р),**
**Ҳамма сизга интизорди(р).**

**Бориб кўринг зулфакдорди(р),**
**Ўғринча қалliққа бормоқ**
**Ўзбак юртда расм борди(р).**

«Дилхирож» ва «Қаллиқ ўйин» асарларида эса бу одат драматургия ва комедия нуқтаи назарига кўра ёритилади. Бунда томошабинни саҳнага жалб этиш, унда қизиқиш уйғотиш мақсадида бир қадар тўқима сюжетларга ўрин бериш кузатилади. Шу боис мазкур таомил ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган томошабин юқоридаги асарларни кўргач, ҳақли эътироз билдирганига кўп гувоҳ бўлганман.

Халқимиз турли-туман маросим ва урф-одатларини қадрлайди. Аслида булар миллатнинг маънавияти, ўзлигини намоён қилувчи, руҳиятини очиб берувчи кўзгу ҳисобланади. Шунинг учун уларни жиддий ўрганиш, кенг миқёсда ёритиш, тарихий илдизларини қидириб топиш барчамизнинг муқаддас вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Жамшид НИЁЗОВ**

*Ёзги биатлон*

# Барчани қойил қолдириб



Хабарингиз бор, ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон терма жамоаси яқинда Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан яхши натижалар билан қайтиб келганди.

Мазкур жамоа ўз сафини ёш спортчилар билан кенгайтирган ҳолда Чўлпон Ота (Қирғизистон) шаҳрига йўл олиб, Осиё очиқ чемпионатида муваффақиятли натижаларни муносиб равишда давом эттирди.

Мусобақада қитъа ҳамда жаҳон чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари ҳам иштирок этгани баҳсларнинг кескинлигини оширгани рост. Эркаклар ўртасида халқаро тоифадаги спорт устаси Руслан Носиров учта олтин медални қўлга киритган бўлса, Анузар Юнусов ёшлар ўртасида ушбу натижани қайтарди. Улар қитъанинг мутлоқ ғолиби, деб топилди.

Шуниси эътиборлики, амалдаги жаҳон чемпиони, россиялик моҳир биатлончи Павел Чуприянов ҳам бизникилар олдида ожиз қолди. Яъни, у «спринт» баҳсида ҳамюртларимиз Руслан Носиров ва Мурод Ҳожибоевдан сўнг учинчи бўлиб марра чизиғини кесиб ўтди. Мурод, шунингдек, индивиуал пойгада кумуш, қувиб ўтиш бўйича бронза медалига эришди.

Умидли вакилларимиздан Жамшид Тиллаев ёшлар ўртасида бир кумуш ва бронза медалига сазовор бўлди.Яна бир вакилимиз Нозим Умматов ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Аёлларимиздан Дилафрўз Имомҳусанова Осиё очиқ чемпионатининг олтин медалини қўлга киритиш билан бирга халқаро тоифадаги спорт устаси талабини ҳам бажарди. Яна бир вакиламиз Анна Тимофееванинг эса кўксини бронза медали безади.

Хуллас, спортчиларимиз жами 7 та олтин, 3 та кумуш ва 4 та бронза медали билан яна бир бор барчани қойил қолдиришди. Баҳсларда яхши қатнашган қозоғистонликлар бешта олтин, 7 кумуш ва 3 бронза, россиялик спортчилар эса бир кумуш ҳамда тўртта бронза медалларини қўлга киритди.

*Кураш*

# Ҳурматнинг қадри баланд

***Қарши шаҳрида ўсмирлар (1992-1994 йилларда туғилган) ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ташкил этилди.***

Қарши Олимпия захиралари коллежида ўтган мусобақада республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 500 нафарга яқин ўғил ва қизлар иштирок этишиб, саккизтадан вазн тоифасида ғолибларни аниқлашди.

Хушвақт Кафиев, Иброҳим Каримов (Самарқанд), Мелс Адизов, Холмуротали Муборақов (Бухоро), Мурод Дўсимбетов, Азамат Бойқулов (Тошкент шаҳри) шогирдлари яхши тайёргарликка эга эканини намойиш этиб, бир неча вазнларда ғолиб ва совриндор бўлишди.

Мусобақа мезбонлари — Қашқадарё воҳаси ёш полвонлари ҳам ўз мухлисларини хурсанд этишга астойдил ҳаракат қилишди. Бунга қайсидир маънода эришишди ҳам. Бироқ 71 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан Ж.Ҳасановнинг мусобақа ҳакамига нисбатан ўта қўпол ҳаракати мухлису мутахассислар дилини хуфтон қилди. Мазкур ҳаракат, албатта, жавобсиз қолмади. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, мезбон вилоят курашчиларига тегишли чоралар кўрилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашининг V-Қурултойи олдидан**

***Яқинда Олимпия шон-шуҳрати музейида Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Нурулла Насимов олиб борди.***

# Спорт равнақи йўлида





Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Пойтахтда 184 та жисмоний тарбия жамоаси фаолият юритади, уларда 36 минг нафар касаба уюшма аъзоси спорт билан шуғулланади. Улар мамлакат миқёсидаги мусобақаларда муносиб қатнашиб келмоқда. Жумладан, пойтахт жамоаси 2006-2007 йилларда Республика хотин-қизлар қўмитаси ўтказган аёллар спартакиадасида ғолиб чиқди.

2004 йилдан 2008 йилгача 8 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 28 нафар спорт устаси тайёрланди. Улардан Гўзал Хуббиева, Луиза Галиулина, Элдор Ҳафизов ва Олга Гнедовская Пекинда ўтказилган 29-ёзги олимпиадада иштирок этди.

Конференцияда ўтган даврда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди. Нотиқлар спортни оммавийлаштириш, истеъдодли спортчиларни тайёрлаш масалаларига тўхталиб ўтдилар. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, Республика касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш федерациясининг президенти Баҳодир Тожиев мамлакатимизда спортни оммалаштиришга касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти катта ҳисса қўшаётганини таъкидлади.

Конференцияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Сўнгра Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Пекин олимпиадасида қатнашган мазкур жамият вакиллари, уларнинг устозлари ҳамда бошқа таниқли спортчилар, уларнинг мураббийларига эсдалик совғалари топширилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**


Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi:
133; 134

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Mahамов

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

Буюртма Г — 914

10671 nusxada bosildi

2 5 6